

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 20-avgust, seshanba № 63 (15701)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

«Kamolot» sadosi

Энг яхшилар сараланади

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида Ҳаракатнинг корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари етакчилари учун ўқув семинари ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг вилоят босқичини ўтказди.

Бошланғич ташкилотларнинг ёшлар билан ишлашдаги фаолият самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этган етакчиларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда тўқсонга яқин етакчилар қатнашди. Улар малакали мураббийлар томонидан олиб борилган турли мавзулардаги тренинг ва давра суҳбатлари орқали билим ва тажрибаларини мустаҳкамлашди.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлар етакчиларининг амалга оширган ишлари юзасидан тақдимотлар намоён этилди. Танловда энг яхши натижа кўрсатган ўн нафар етакчи Ҳаракатнинг корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири



Сардор Муллажонов фотокolleжи

Ўқитдорли yoshlar — mamlakat kelajagi

ИСТЕЪДОДНИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗИ

Бармоқ излари каби кишиларнинг истеъдоди ҳам бир-бирини такрорламайди. Ҳақиқий санъаткорлар ҳам шундай. Ният-мақсадлари бир хил — гўзал санъат асарлари билан мухлислар қалбидан жой олиш, эл-юртга хизмат қилиш бўлса-да, уларнинг овозлари бетакрор. Юриш-туришлари, кийинишлари ўхшаш — ҳаммалари ораста, сипо, кўрган кўзни қувнатса-да, ҳар бирининг қуйлаш услуби ўзига хос.

Истиқлол даврида камол топаётган санъаткорлар ҳам гарчи истеъдод борасида бир-бирига ўхшамаса-да, уларни ижодий фаолиятида умийлаштириб турадиган бир жиҳат бор. Бу — уларга берилётган катта эътибор! Кўшиқчилик, деймизми, рақс, театр, кино, деймизми, тасвирий санъатми — санъатнинг

барча турларида ижод қилаётган тенгдошларимизу ака-ука, опа-сингилларимизнинг фаолияти давлатимиз эътиборида. Утказиб келинаётган турли кўрик-танлов, фестиваллардан кўзланган мақсад ҳам улар орасидан энг истеъдоддиларни аниқлаш, рағбатлантириш, кейинги ижодий ишларига яхши шароитлар-

ни яратиб беришга қаратилгандир.

Президентимиз ташаббуси билан ёш истеъдодли санъаткорлар учун таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти ҳам мана, ўн уч йилдан буён мумтоз ва замонавий мусиқа санъатида ўзининг ёрқин истеъдодини намоён этган ёшларга топшириб келинмоқда. Эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз кўшиқ, опера ижрочилиги, рақс санъатида тенгдошлари орасида ажралиб турган ва қобилиятини намоён этган ўн етти ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган хонандаю созандалар бу нуфузли мукофотга сазовор бўлиб келаяпти.

Эътиборлиси шундаки, бу мукофот соҳиби бўлган истеъдодли санъаткорларнинг кўпчилиги кейинчалик нуфузли дав-

лат мукофотларига ҳам сазовор бўлмоқда. Ўзбекистоннинг «Ниҳол» мукофотини қўлга киритган ёшларнинг жарангдор овози жаҳон саҳналарида баралла янграмоқда.

Женисбек Пиязов, Барно Исмаилов ва сингари мукофот соҳибларининг халқаро санъат фестивалларидаги ютуқлари ҳақида билмаган санъат шонавандаси йўқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Гулсанам Мамазойтова, Райҳон Ғаниева, Лола Аҳмедова кўшиқлари кириб бормаган ўзбек хонандони бўлмаса керак. Илём Арабов, Улуғбек Раҳматуллаев, Сарвиноз Қурёзова каби хонандаю халқларнинг шуш овози миллий санъатимизнинг келажак овози бўлиб жаранглаётир.

(Давоми 2-бетда)

ИСТЕЪДОДНИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗИ



Нодира Абдурахмонова
(Тошкент вилояти)



Умида Ҳамидова
(Сирдарё вилояти)



Феруза Хўжанова
(Самарқанд вилояти)



Қаҳрамон Фуломжонов
(Тошкент шаҳри)



Абдулла Ширинов
(Қашқадарё вилояти)



Зулхумор Мамарасулзода
(Жиззах вилояти)



Фарғона санъат коллежи ўқувчиларининг «Ниҳол» ўзбек халқ чолгулари ансамбли (Фарғона вилояти)

(Давоми, боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳар икки йилда бир марта ўз эгаларига топшириб келинаётган «Ниҳол» мукофоти бу йил ҳам анъанага кўра, минглаб даъвогарлар орасидан ўн беш нафар муносиб соҳибини топди.

Ғолибларни тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ва гала-концерт «Истиқлол» санъат саройида қайноқ издиҳом оғушида бошланади. Улкан мониторда «Ниҳол» мукофоти рамзи — биллур қафт орасидаги ниҳол тасвири намён бўлади. Бошловчилар «Ниҳол»нинг бу йилги соҳибларини саҳнага таклиф этади. Юртимиз санъатининг нурафшон келажagini қалбига жойлаган ўн беш нафар истеъдод соҳиби саҳнага чиқиб келади. Совриндорлар «Ўзбекистон» кўшигини ижро этади.

Тантанали тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ниҳол» мукофоти кенгаши раиси Адҳам Иқромов ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, улар орасидан истеъдодли ёшларни саралаб, юксак марралар сари илҳомлантиришда «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Келажак овози» сингари кўрик-танловларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

Шундан сўнг «Ниҳол» мукофотининг 2013 йилги совриндорлари номи тантанали эълон қилинади. Бу йил мумтоз кўшиқ йўналишида Элдор Фуломов (Анджон вилояти), Дилфуза Қобилова (Бухоро вилояти), Зулхумор Мамарасулзода (Жиззах вилояти), опера ижрочилиги бўйича Науризбек Маҳмадиёров (Қорақалпоғистон Республикаси), Абдулла Ширинов (Қашқадарё вилояти), эстрада йўналишида Гўзал Жуманиёзова (Навоий вилояти), Гуласал Абдуллаева (Наманган вилояти), Шерзод Ортиқов, Умида Хўжаева (Тошкент шаҳри), Нодира Абдурахмонова (Тошкент вилояти), рақс санъати бўйича Феруза Хўжанова (Самарқанд вилояти), мумтоз кўшиқчилик бўйича Умида Ҳамидова (Сирдарё вилояти), Жайхунбек Матмуродов (Хоразм вилояти), мусиқа ижрочилиги бўйича Қаҳрамон Фуломжонов (Тошкент шаҳри), Фарғона санъат коллежи ўқувчиларининг «Ниҳол» ўзбек халқ чолгулари ансамбли (Фарғона вилояти) ушбу мукофотга муносиб кўрилди. Уларга устоз

санъаткорлар диплом ва мукофотларни тантанали топширди.

Тантанали тақдирлаш маросимида таниқли санъаткорлар ва «Ниҳол» мукофотининг бу йилги совриндорлари ижросида гала-концерт намойиш этилди.

Гуласал Абдуллаева,
«Ниҳол» мукофоти совриндори:

— Юртимизда биз, ёшларга қаратилган юксак эътиборнинг баҳоси йўқ. Қайси соҳада бўлмасин, ўз иқтидорини намён этган ҳар бир тенгдошимиз, албатта, ўз интилишларининг муносиб баҳосини олади. Буни мен ўз ҳаётимда юз берган қувончли воқеалар мисолида айтмоқчиман. Утган йили «Келажак овози» танловида ғолиб бўлдим. Бу йил «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида учинчи ўрин билан тақдирландим. Мана энди «Ниҳол» мукофоти соҳиблари сафидаман.

Бу нуфузли мукофот соҳиби бўлиш ҳар бир ёш санъаткорга улкан қувонч, туганмас ифтихор бағишлайди. Бугун тенгдошларим орзу қилган, кўлаб устоз хонандаларга мустақам пиллапоя бўлган «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланганим хотирамда энг ёрқин эсдалик бўлиб қолади. Бунинг учун биз, ёшлар истеъдодимизни қўллаб-қувватлаётган, бизни юксак марраларга ундаётган Юртбошимиздан чексиз миннатдоримиз.

Абдулла Ширинов,
«Ниҳол» мукофоти совриндори:

— 2013 йил мен учун жуда омадли келди. Бу йил Республика ёш ижрочилар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилиндим. Бугун эса «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланганлар орасида мен ҳам борман. Санъатни танлаб тўғри қилганимга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Муҳташам саройда «Ниҳол» мукофотини Президентимизнинг, халқимизнинг менга билдирган юксак ишончи сифатида қабул қилдим. Эндиги мақсадим бу ишончнинг муносиб оқлаб, ўзбек опера санъатини дунёга тараннум этишдир.

Элмурод НИШОНОВ,
Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: 2013 йилги «Ниҳол» мукофоти совриндорлари.
Аъло Абдуллаев
(ЎЗА) олган суратлар



Элдор Фуломов
(Анджон вилояти)



Гўзал Жуманиёзова
(Навоий вилояти)



Дилфуза Қобилова
(Бухоро вилояти)



Науризбек Маҳмадиёров
(Қорақалпоғистон Республикаси)




Гуласал Абдуллаева
(Наманган вилояти)



Умида Хўжаева
(Тошкент шаҳри)



Жайхунбек Матмуродов
(Хоразм вилояти)



Шерзод Ортиқов
(Тошкент шаҳри)

Орзулари ушалаётган полвон

Ўзбекистонда истеъдодли ёшлар кўп. Барча соҳа каби спортнинг кўплаб йўналишларида юксак натижаларга эришаётган йигит-қизлар сафи ҳам тобора кенгаймоқда.

Боланинг чемпионликка эришиши ўз-ўзидан бўлмаслиги аниқ. Буларнинг барчаси — мустақиллик, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлод камолотига қаратилаётган доимий эътибор самараларидир.

Шу маънода, кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони Абдурахмон Абдуллаевни юртимизнинг энг бахтиёр ёшларидан, дейиш мумкин. Боиси, у истиқлол даврида тикланиб, халқаро миқёсга чиққан ўзбек кураши бўйича катта галабаларга эришмоқда.

1994 йили Қамаш туманининг Олма қишлоғида туғилган Абдурахмон тенгқурлари катори тўп тепиб юрган ўсмир эди. Бир воқеа унинг фикрини, дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборди. Кураш билан жиддий шуғулланишга ундади.

— Бир куни ошанлар билан тўй курашини томоша қилгани бордик, — дейди А.Абдуллаев. — Давра авжида Рамзиддин Саидов, Шерали Жўраев каби донғи дунёга кетган полвонлар майдонга тушди. Уларнинг маҳорати, майдонда ўзини тутиши, чиройли усулларини кўриб, жуда ҳавасим келди. Полвон бўлишга астойдил аҳд қилдим.

Сўнг у Ғузордаги футбол мактаби қошида очилган кураш тўғрагига қатнай бошладди. Биринчи мураббийи Тўлқин Қаҳҳоров шогирдига

кураш сир-асрори билан бирга, орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун ўз устида тинимсиз ишлашни, меҳнатдан қочмаслиқни, жисмоний имкониятларини руҳий ва маънавий ирода билан барабар ошириб боришни ўргатди.

Абдурахмон ўрганганларини Қарши олимпия захиралари коллежида давом эттирди. Бу ерда тажрибали мураббий Нуриддин Алиев ёш спортчини нуфузли мусобақаларга тайёрлади. Аввалига тўғрак ва коллеж, кейин туман ва вилоят миқёсида гиламга, шохсупага чиқди. Вақт ўтиши билан билагги кучга тўлган, тажриба ва маҳорати ошган Абдурахмонни ўзига чорлаган давралар ҳам кенгайиб борди. 2011 йили илк бор ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлган А.Абдуллаев орадан бир йил ўтиб, ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Унинг иқтидорини юқори баҳолаган мамлакат ёшлар терма жамоаси мураббийлари ёш полвонни ўша йили Англиянинг Борнмут шаҳрида ўтказилган кураш бўйича жаҳон чемпионатида борадиган спортчилар сафига қўшди.

Абдурахмон полвон Англияга боришини эшитиб қувонган бўлса, жаҳон чемпионати майдонларида турли мамлакатлардан келган ҳакамлардан соф ўзбек тилида «кураш», «халол», «чала», «танбех»,



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

«дакки» каби сўзларни эшитиб, ўзбек фарзанди эканидан янада фахрланди. Шу боис беллашувларда астойдил иштирок этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Унинг галабаси шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида, ўн етти ёшида жаҳон чемпиони бўлганидан кўзи ёшга тўлгани ҳам рост.

А.Абдуллаев навбатдаги юксак галабасини яқинда Хитой Тайпейида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қўлга киритди: мусобақада барча рақибларидан устун келди. Бу галаба ҳам ўз-ўзидан келгани йўқ. Негаки, бугун халқаро спорт турига айланган кураш дунёнинг бир юз йигирмадан зиёд давлатида жадал оммалашмоқда. Хорижлик полвон-

лар ҳам миллий спортимизга меҳр кўйиб, кураш усуллари-ни пухта ўзлаштирмоқда.

Абдурахмон Осиё чемпионати финалида афғонистонлик полвон билан беллашди. Баҳс якунига бир неча сония қолганида жаҳон чемпиони Рамзиддин Саидов кўп қўллайдиган усулни ишлатди: рақибни чалғитиб, елкадан ошириб, «юлдуз санатди».

— Ўзбек спортчилари қўлга киритаётган ҳар бир галаба истиқлолимиз шарофатидандир, — дейди А.Абдуллаев. — Юртимиз мустақил бўлмаганида мендек оддий қишлоқ йигити жаҳонга чиқа олармиди!? Авваллари қишлоқ болалари учун йирик давлатлар у ёқда турсин, Тошкентни кўриш ҳам орзу бўлган. Буни мен фидойи устозларим сабоқларида кўп эшитганман. Ёшим улғайгани сайин истиқ-

лолнинг биз, спортчилар учун ҳам қандай буюк неъмат эканини бир фарзанд сифатида янада чуқурроқ англаб боряпман. Ватаним номидан миллий спортимиз бўйича майдонга тушиш — мен учун катта бахт.

Абдурахмон полвонни олдинда янада масъулиятли мусобақалар, янгидан-янги синовлар, катта давралар кутмоқда. Муҳими, унинг ҳаётини мақсади аниқ, ўзига ишончи катта. Ўзбекистон шарафига учун дунёнинг манаман деган давлатларидаги тенгқурлари билан беллашиб, ўз куч-қувватини, мамлакатимизда ёшлар камолоти учун яратилган шарт-шароитлар самарасини намойиш этишни муқаддас бурчи, деб билади.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири**

Эзгулик тимсоли — бунёдкорликлар

Юртимизнинг барча ҳудудларида байрам шуқуҳи ҳукмрон. Тобора яқинлашиб келаётган мустақиллик айёмини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Шу муносабат билан Сурхон воҳасида кенг кўламли ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Буни вилоятдаги Шеробод тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Бугун юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор юксак, — дейди «Камолот» ЁИХ Шеробод тумани кенгаши раиси Турғун Мирзаев. — Исталган соҳани олиб қаранг, барчаси замирида ёш авлоднинг баркамол этиб вояга етказиш мақсади мужассам. Бу ғамхўрлик бизнинг туманда ҳам ўз ифодасини намойиш этапти. Уста қурувчилар мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига тўхфа қилишни кўзда тутган иншоотларнинг иккитаси айнан ёшлар камолотига хизмат қилувчи



муҳим таълим масканлари экани фикримизнинг исботидир.

Шерободлик ёшлар етакчисининг гапида жон бор. Зеро, тумандаги бунёдкорликлар билан танишаётиб, «Галагузар» маҳалласида 150 ўринли замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилишига гувоҳ бўлдик. Шоим Эгамов раҳбарлигидаги «Кафолат-Термиз» МЧЖ қурувчилари томонидан қисқа муддатларда ушбу мактабда кенг-мўл қишқи ёпиқ зал, кўркем ўқув биноси, шинам хореография хоналари, ёзги концерт зали қурилиб, жами икки миллиард 423 миллион 881 минг сўмлик ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда мусиқа мактабида сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти.

Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган иншоотлардан яна бири Гегирдак қишлоғидаги 67-мактабдир. Мазкур таълим маскани 315 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозиргача «Собир қурувчи» хусусий корхонаси усталари мактаб биноси ҳамда спорт зали қурилишини ниҳосига етказишди. Шу кунларда корхона ишчилари мактабдаги сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишларини қизгин давом эттирмоқда.

Тумандаги бунёдкорлик ишларига шерободлик тадбиркорлар ҳам ўз ҳис-

саларини қўшмоқда. Чунинки, «Абдулла Умаров» хусусий корхонасига қарашли «Болалар дунёси» савдо мажмуаси ҳам байрам арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Мажмуада ўқув маркази ташкил этилиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланди. Инглиз тили, компьютер, тикувчилик хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланди.

— Бугунги кунимиз ҳар бир ёшдан инглиз тили ва компьютердан хабардорликни талаб этади. Қолаверса, юртимизда оилавий хунармандлик ва касаначиликка эътибор юқори бўлгани боис, тикувчиликни ўрганиш истагидаги ёшлар ҳам туманимизда кўп, — дейди «Абдулла Умаров» хусусий корхонаси раҳбари Оташ Умаров. — Мана шуларни кўзда тутиб, бу мажмуада ўқув марказини ташкил этишни мақсад қилдик. Унда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-хунар ва чет тилларни ўрганишлари учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Бугун туманда амалга оширилаётган ишлар салмоғи ҳар бир юртдошимизни хурсанд қилади. Чунки булар оддий қурилиш ёки ободонлаштириш ишлари эмас, балки Ватанимиз ободлигига, ёшлар камолотига қўшилаётган ҳиссадир. Эзгуликка йўналтирилган бундай ишлар келгусида, албатта, ўз самарасини беради.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири**

Ҳар ишда фаол, тенгдошларига ўрнак

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари
Гулнора Маруфова билан суҳбат

— Истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказиладиган танловнинг алоҳида ўрни бор. Юртимиздаги кўпчилик қизлар бу нуфузли мукофотга номзодини қўйишни истайди...

— Ушбу мукофот мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган, фазилатли, зукко, ташаббускор, истеъдодли, шу билан бирга, истиқлол ғояларини амалга оширишда фаоллик кўрсатаётган қизларга адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳаларида эришган ютуқлари учун берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти талабгорлар, шунингдек, кенг дунёқарашли, юртимиз ва жаҳон тарихи, адабиёти ва маданиятидан яхши хабардор, бир сўз билан айтганда, билимли ва истеъдодли бўлиши керак.

— Мукофотга номзодини қўйишда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

— Мукофот учун танловнинг республика комиссиясига номзоднинг шахсий варақаси (объективка), таржимаи ҳоли, 12x9 (3x4) ҳажмдаги фотосуратлари, фаолияти давомида олган диплом ва фахрий ёрликларининг нусхалари ҳамда рўйхати, ўқиш жойидан берилган, ўша ташкилот раҳбари томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ижодий ва ижтимоий-сиёсий тавсифнома, тавсияномалар ва тақдимномалар, асар ҳақида матбуотда эълон қилинган тақриз ва билдирилган фикрномалар (лозим бўлганда) ва бошқа тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

— Ҳужжатларимизни му-



кофот учун танловнинг қай тартибда, қандай босқичларда ўтказилиши ҳам қизиқтиради...

— Танловнинг биринчи босқичи сентябрь ойида мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртиларида ўтказилиб, ўқув муассасаси педагогика кенгашларининг тавсиясига биноан, номзодларнинг ишлари туман, шаҳар комиссияларига тақдим этилади. Туман-шаҳарларда мавжуд оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ёритиб борилади. Иккинчи босқич октябрь-ноябрь ойларида ўтказилиб, номзодларнинг ишлари вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, олий ўқув юрти, илмий

тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари ва вилоят бошқармалари ҳамда туман-шаҳар комиссиялари тавсиялари асосида вилоят комиссиясида кўриб чиқилади. Унда ҳар бир йўналиш бўйича биттадан, жами беш нафар номзод танлаб олиниб, республика комиссиясига тақдим этилади. Учинчи босқичда (декабрь-январь) республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган номзодларнинг ишлари кўриб чиқилади, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан биттадан номзод танлаб олинади.

Шу ўринда бир нарсага алоҳида тўхталмоқчиман. Номзоднинг илмий-ижодий ишлари ўзининг янгилиги,

илмий-амалий аҳамияти, бадий қиммати билан алоҳида ажралиб туриши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, истиқлол ғояларини амалга ошириш, жамиятимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий ислохотлар моҳиятини очиш, мамлакатимиздаги ижтимоий ва маданий ҳаётни янада яхшилаш масалаларини ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. Тавсия этилаётган ишларни баҳолашда уларнинг Ватанимиз ёки чет элларда чоп этилганлиги, етакчи мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инобатга олинади. Шунингдек, номзодлар танлаган соҳаларида республика ҳамда халқаро миқ-

ёсдаги танловлар ва тадбирларда ютуқларни қўлга киритган бўлиши керак.

— Номзодларнинг ёши чегараланганми?

— Албатта, номзодлар ўн тўртдан йигирма икки ёшгача бўлишлари керак.

— Барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, Давлат мукофотини қўлга киритганларга қандай имтиёзлар берилади?

— Совриндорлар рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Уларга мукофотланганлик ҳақидаги диплом, кўкрак нишони Халқаро хотин-қизлар куни арафасида тантанали равишда топширилади. Бир марта тақдим этиладиган пул мукофоти қарор эълон қилингандан сўнг бир ой муддат ичида берилади.

— Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган республика анжуманидан кўзланган мақсад нималардан иборат?

— Совриндорларнинг республика анжуманига қизгин тайёргарлик кўрилаяпти. Анжумандан кутилаётган мақсад катта. Биринчи галда совриндорларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш. Негаки, уларнинг фаоллиги бошқа тенгдошлари учун ўрнак бўлиши керак. Қолаверса, мукофотни қўлга киритган қизларнинг кейинги фаолияти ҳам биз учун қизиқ ва аҳамиятли.

Кўксида нуфузли мукофот нишонини тақиб юрган қизларга юртдошларимиз ҳам бошқача нигоҳ билан қарайди. Уларга ишонишади, улардан юксак натижалар, янада эзгу ишлар кутишади. Анжуман орқали уларнинг шу пайтгача қандай ишларни амалга оширганликлари ҳақида ҳам сўнги маълумотларни олиш ниятимиз бор. Қисқа қилиб айтганда, анжуман, бир жиҳатдан, эзгу ишларнинг сарҳисоби бўлади.

«Turkiston» муҳбири
Майсара НАЗАРОВА
суҳбатлашди

«Kamolot» loyihalari

Навбат республика форумига

Айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимларида корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув семинарлар ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. «Етакчи» ёшлар марказида ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловда пойтахтдаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган 240 нафар бошланғич ташкилот етакчиси орасидан саралаб олинган олти нафар етакчи иштирок этди. Уч кунлик ўқув семинари давомида «Камолот» ЁИХ фаолиятининг ҳуқуқий асослари, низом ва дастури ҳақида, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари ҳамда Мамлакатимизда демократик ис-

лохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳиятига бағишланган маърузалар тингланди. Бу ерда етакчилар бошланғич ташкилотларда иш юритиш, ҳисоб ва ҳисоботларни олиб бориш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантиришда

бундай ўқув семинарлари муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ҳаракатнинг Юнусобод тумани марказий кўп тармоқли поликлиникасидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Камола Маткаримова. — Семинарда бошланғич ташкилотларда иш юритиш, ёшларни Ҳаракат аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш, ариза ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича қўшимча билим ва кўникмаларга эга бўлдик. Эндиликда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларга зарур шароитлар яратиш йўлида бор имкониятларимизни ишга соламыз.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг якуний натижаларига кўра, биринчи ўринни Юну-

субод тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси бошланғич ташкилоти (етакчиси Камола Маткаримова), иккинчи ўринни пойтахтимидаги «Шаҳидлар хотираси» музейи бошланғич ташкилоти (етакчиси Насиба Зоирова), учинчи ўринни Сергели тумани давлат солиқ инспекцияси бошланғич ташкилоти (етакчиси Азизжон Эшқувватов) қўлга киритди. Эндиликда улар билан бирга, ўқув семинарида фаол иштирок этган етакчилар Ҳаракатнинг корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форумида иштирок этади.

Ўткир МАҲКАМОВ,
«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар
кенгаши матбуот хизмати
ходими

Bolaning begonasi bo'lmaydi

Ma'naviyat

Улуғ аждодлар йўриғи — тарбиянинг мумтоз усули

Боланинг қандай инсон бўлиб вояга етиши, аввало, оилада ота-онасидан олган тарбиясига, қолаверса, маҳалла-кўй, таълим муассасаларидаги муҳитга боғлиқ. У униб-ўсаётган муҳитнинг соғломлиги, мусаффолиги боланинг хулқ-атвориға ўтади. Бу бизнинг фикр эмас, педагог ва психологларнинг кузатишлари, ундан чиқарган хулосалари.

Бундай қараганда, жуда оддий фикр. Ҳамма биладиган гап. Бироқ савол туғилади-да: нега бугун дунёда ана шу оддий ҳақиқатнинг моҳиятини ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди? Нега манамен деган мамлакатларда ҳам болалар ахлоқи, хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ муаммолар кўп учрайди? Нега Ер юзиде мавжуд барча тилларда «болалар ҳуқуқбузарлиги», «болалар жиноятчилиги» деган атамалар хануз яшамокда? Бундай иборалар қачон тиллардан ўчиб кетади? Ўйлаб қолсан, киши ва беихтиёр ўша минг-минг йиллардан бери яхши инсонларнинг, том маънодаги зиёли қалб эгаларининг ҳаёт йўлларини ёритиб келаётган ота-боболаримиз тутуми, ҳаётий тамойилларини, улар тайёрлаб кетган «умуминсоний одоб-ахлоқ кодекси»ларини кўз ўнгимизга келтирамиз. Қаранг, уларни ўрганиш учун авлодлар ойлаб, йиллаб бош оғритиб ҳам юришмаган. Оилада бобобувилар, ота-оналар, бир сўз билан айтганда — катталар сўзига қулоқ тутиш, панд-насихатларига, ўғитларига амал қилишнинг ўзи кифоя бўлган. Негаки, катталарнинг гапида ҳаётий ҳақиқатлар мужассам. Бугун ҳам тилимизда учрайдиган «қари билганни пари билмас», «оталар сўзи — ақлнинг кўзи» сингари ҳикматли иборалар таг мазмунида ҳам ана шу оилавий тарбия муҳитининг нафаси сезилиб туради.

БИЛМАЙ БОССА ТИКАННИ...

Билиб-билмай ўзининг кичик хатолари билан ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйиб, ички ишлар бўлими профилактик ҳисобиде турувчи вояга етмаганлар ҳам давлатимизнинг, халқимизнинг доимий этибориде. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар ана шундай ўсмир ва болалар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳини ташкил этди. Самарқанд туманидаги «Алломиш» болалар оромгоҳи ичиде ташкил этилган ушбу оромгоҳга юздан ортиқ ёшлар жалб этилди.

Оромгоҳда «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Қинғир ишнинг қийиғи», «Ислоҳ дини — иймон-этиқодимиз», «Биз соғ-

лом турмуш тарзи тарафдоримиз!»; «ОИТСиз ва гиёҳвандликсиз келажак сари!», «Мустақиллик — энг олий неъмат», «Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий салбий оқибатлари», «Мен ва менинг оилам», «Мен катта бўлганимда қандай касб устаси бўламан?» каби мавзуларда ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, шунингдек, «Мен чемпион бўламан» ва «Соғломжон — полвонжон» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.

— Оромгоҳни ташкил этишдан асосий мақсад юртимизда ҳеч ким бегона эмаслиги, айниқса, эртамиз эгалари бўлган болаларнинг тақдирига биз, барча катталар масъул эканимизни эслатиш, қолаверса, ёш авлодни маънан баркамол этиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, ватанга садоқат туйғусини шакллантириш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборатдир, — дейди Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Алишер Норбоев. — Дастурда турли семинар-тренинглр, психологик тестлар ва кўргазмали намойишларнинг ташкил этилганлиги ёшларнинг ҳам дам олишларига, ҳам билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

— Оромгоҳ мен учун унутилмас жой бўлиб қолди. Биринчи кун оромгоҳдаги шароитлар, сўлим табиат билан танишдик. Бу ердаги қулай шароитлар ва боғлар менда катта таассурот қолдирди. Тарбиячи ва етакчиларнинг меҳрибонлигидан жуда таъсирландим, — дейди Пайариқ туманидан келган Исмоил.

Куннинг иккинчи ярми «Камалак» сардорлари иштирокидаги «Камолот» экспресс» ўйини билан бошланди. «Ота-онага ҳурмат — олий ҳиммат», «Билим ва касб-хунар — фарзанд камолоти гарови» мавзуида ўтказилган давра суҳбати ва семинарлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда мустаҳкам оиланинг аҳамияти, унга эришиш учун ҳар бир фарзанд ота-онаси олдидаги бурчи ва вазифаларни сидқидилдан бажариши, отананинг кўнглини олиш инсонпарварликнинг олий кўриши эканлиги таъкидланди.

Болалар чемпионлар билан ҳам учрашишди. Хусусан, қаратэ-до бўйича Ўзбекистон ва



Осиё чемпиони Азиз Ражабов, Руслан Носиров, Шокир Жўраев болажонлар билан яқиндан ҳамсуҳбат бўлиб, эришган ютуқлари ва натижалари ҳақида гапириб берди. Оромгоҳда вилоят ички ишлар бошқармаси ҲООб инспектори, майор Раъно Қиличева билан вояга етмаганлар жиноятлари, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбати, дейилса, одатда, катталар иштирокидаги сиёсий, ижтимоий масалалар муҳокама қилинган тадбир тушунилади. Бироқ биз таърифлаётган давра суҳбати сал бошқачароқ ўтди. Унда болалар билан очиқ, самимий суҳбат бўлди. Болалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Оромгоҳ кунлари вилоят «Хунарманд» уюшмаси томонидан халқ амалий санъати намуналари кўргазмалари ҳамда «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази тўғарақларининг тақдимотлари ташкил этилди.

Оромгоҳда малакали педагог ва психологлар амалий машғулотлар олиб боришди. Турли психологик ўйинлар, синовлар болаларнинг хулқини аниқлашга ёрдам берди. Ёшларни спортга кенг жалб этиш мақсадида футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка ҳамда энгил атлетика бўйича мусобақалар ташкил қилинди.

Бундан ташқари, машҳур санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари ва иллатларни қораловчи фильмлар намойиш этилди.

Оромгоҳ якунида ташкил этилган «Хайрлашув гулхани» маданий тадбирида ўсмир ёшлар томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар, бадий чиқишлар барчани хушнуд этди. Унда ташкилотчилар, машҳур санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этиб, яқинлашиб келаётган мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан барчани табриклади. Оромгоҳ даво-

мида намунали ҳамда ўтказилган танловларда фаол иштирок этган болаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди.

Оромгоҳ билан хайрлашиб чиққан болалар Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» истироҳат боғига йўл олишди. Шу кун иштироҳат боғидаги барча аттракционлари болалар хизматида бўлди. Турли арғимчоғу аттракционларда учаётган болаларнинг қувончи чексиз.

— Бу ерга келганимдан жуда хурсандман, — дейди кўшработлик Давронбек. — Оромгоҳ бунчалик қизиқарли ташкил этилади, деб ўйламаган эдим. Энг қувонарлиси, оромгоҳ якунида истироҳат боғида мазза қилиб ўйнадик.

Оромгоҳни ташкил этиш орқали хулқи ижобий томонга ўзгарган вояга етмаганлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг тавсияномасига кўра, ИИБ профилактик ҳисобидан чиқариладиган бўлди.

ЯХШИ СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Инсоннинг табиати шундай: у ёшидан қатъи назар, ҳаммаша яхши сўз, меҳрга эҳтиёж сезиб яшайди. Ширин сўз, муҳаббат ва меҳр одамзотнинг жон томири, юрагининг қуввати, уни мудом олдинга бошловчи сеҳрли кучдир.

Бугун мамлакатимизда ёшлар сиёсати борасида амалга оширилаётган ишлар замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам. Тенгдошлари орасида ажралиб турган истеъдод ва иқтидор эгаларини муносиб тақдирлаш, уларга ўхшашга интилаётганларни қўллаб-қувватлаш, энди бошланган ҳаёт йўларида озгина адашганлари бўлса, уларни яхшилиқ билан, яхши сўз билан тўғри йўлга солиш! Зеро, эзгулик ҳаммаша тошбағирлик ва ёвузлик устидан голиб бўлиб келган.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Тошкент вилоятида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини янада ошириш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни Ватанга садоқат ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, шунингдек, «Тошкент вилояти мустақиллик йилларида» китобини тайёрлаш мақсадида вилоят ҳокимининг фармойиши қабул қилинган эди.

Яхшилиқнинг қаноти бор

Унга мувофиқ, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент вилояти давлат педагогика институти, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий кечалар ўтказилди.

Маданий тадбирлар доирасида ўқув семинарлари, учрашувлар, турли мулоқот ва давра суҳбатлари, кўргазмалар ташкил этилди. Гузарлар, қишлоқлар, кўчалар, тарихий обида ва зиёратгоҳлар, истироҳат боғлари, қабристонлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳашарлар уюштирилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Шунингдек, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ижтимоий ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий кўмак берилди.

Мазкур хайрия ҳашаридан тушадиган маблағлар «Тошкент вилояти истиқлол йилларида» китобини чоп этиш, таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларини бадий адабиётлар билан таъминлаш, маънавий-маърифий тадбирлар кўламини ошириш, фаол иштирок этган ҳамда голиб бўлганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Натижаси ёмон эмас

Huquqiy eksperiment

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент давом этмоқда.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилганидек, айна чоғда Бухоро вилоятидаги 88 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 81 тасида ахборот хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 74 тасида ахборот хизматининг вазифалари бошқа лавозимдаги шахсларга қўшимча иш сифатида юклатилган. Ҳуқуқий экспериментнинг мазмун-моҳияти, унинг миллий қонун ижодкорлигидаги аҳамиятини аҳолига тушунтириш ҳамда фуқароларни мазкур жараёнга фаол жалб этиш мақсадида вилоят ҳокимлигида ҳуқуқий экспериментни ўтказиш бўйича доимий ишловчи гуруҳ ташкил қилинган эди. Ҳозирда ушбу гуруҳ томонидан эксперимент субъектларидан тегишли маълумотлар жамланмоқда.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ўзларига бириктирилган шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда бошқарув органларида ҳуқуқий эксперимент жараёни-

ни ташкил этиш борасида услубий тавсиялар берилди. Бунинг натижасида муайян йўналиш доирасида жойларда ахборот хоналари ташкил этилди. Экспериментнинг охириги бир ойи давомида оммавий ахборот воситаларида йигирмага яқин босма материаллар эълон қилинди, ўттиздан зиёд телекўрсатувлар, ўнга яқин радиоэшиттиришлар тайёрланиб, эфирга узатилди.

Эътиборлиси шундаки, ҳуқуқий экспериментда қатнашаётган 88 та субъектнинг 51 таси алоҳида веб-сайтнинг ташкил қилган бўлса, 16 таси учун ўзи бўйсунувчи юқори ташкилотлар веб-сайтлари таркибида алоҳида саҳифа очилди. Веб-сайтларни яратиш, доимий тарзда янгилаш ва уларни интерактив хизматлар билан бойитиб боришда вилоят компьютерлаштириш маркази мутахассслари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Аҳоли ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-

лари ўртасидаги кўприкни янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятидаги ошқоралик ва шаффофликни таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган вақт мобайнида вилоят ҳокимлигига 176 та, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига 244 та, корхона ва ташкилотларга 976 та сўров келиб тушган. Биргина Бухоро вилояти телевидениеси томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 86 та сўров юборилиб, уларга тегишли жавоблар олинди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тарғиботи юзасидан вилоят ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлини томонидан учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар, брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказилмоқда.

Хусусан, Словениянинг «Регионал Диалог» халқаро нодавлат ташкилоти томонидан семинар ташкил этилиб, иштирокчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ва шаффофли-

гини таъминлашда ахборот хизматларининг ўрни ҳамда уларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги борасида ушбу давлат тажрибаларидан бохабар бўлдилар.

Ҳуқуқий эксперимент Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси фаолиятида ҳам ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Бугунги кунда бошқарма расмий веб-сайти мунтазам янгиланмоқда. Сайтда йигирмадан ортиқ интерактив хизматлар ташкил этилган.

— Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ахборотни тез, монеликсиз олиши учун барча шароитларни яратганмиз, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси Баҳодир Файзиев. — Бошқармага мурожаат қилувчилар ўзларига керакли ахборот ва маълумотларни тўғридан-тўғри олишлари учун бинода махсус стендлар мавжуд. Ҳуқуқий эксперимент бошлангандан буён бошқарма ва унинг ҳудудий инспекцияларига фуқаролардан жами 176 та, юридик шахслардан 12 та ёзма мурожаат келиб тушди. Шунингдек, 56 та мурожаат қаноатлантирилди, еттитаси рад этилди, 103 тасига тушун-

тириш берилди, 18 таси бошқа органларга юборилди. Қолган ўнта мурожаат айна чоғда кўриб чиқилмоқда. Аҳолининг фаолиятимизга доир ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда даврий нашрлардан фойдаланаямиз. Айниқса, «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши мунтазам расмий веб-сайти билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Вилоят ҳокимлиги муассислигидаги «Бухоронома» газетасида янги рунлар ташкил қилдик. Бундан ташқари, вилоят телевидениеси орқали намойиш этилаётган «Солиқ ва биз», «Солиқ назоратида» кўрсатувларида ҳам мутахасссларимиз чиқишлар қилишяпти.

Вилоят солиқ бошқармасида кузатилган юқоридаги тажриба айна пайтда вилоятдаги ҳуқуқий экспериментнинг бошқа субъектларида ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса янги қонун лойиҳасининг жамиятимизда демократик тамойиллар барқарорлашувида муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан далolat беради.

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Электрон ҳисоботлар қабул қилиш — давр талаби

Taraqqiyot

Бугунги кунда солиқ идоралари томонидан корхона ва ташкилотлардан электрон тарздаги ҳисоботларни қабул қилиш давр талабига айланган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 16 июлдаги фармонининг 5-бандида «2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши таъминлансин», дейилади.

Шаҳримиз солиқ инспекцияси томонидан бу борада сезиларли ишлар амалга оширилаётган. Юридик шахсларнинг ҳисоботларини қабул қилиш жараёнида интернет тармоғидан унумли фойдаланилаётганлиги, энг аввало, ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаётган бўлса, иккинчидан, ҳисобот топширувчига ҳам, қабул қилувчига ҳам қулайлик, афзаллик туғдиради. Яъни вақт ва қоғоз, ортиқча сарф-харажатлар тежаллади.

Ўтган иккинчи чорак якуни бўйича ҳисоботларни электрон қабул қилиш, жами ҳисобот топшириши лозим бўлган корхоналарнинг 95 фоизини ташкил

қилди. Яъни ҳозирга қадар 642 та юридик шахсдан электрон ҳисобот қабул қилиш амалга оширилмоқда.

Идорамиз ходимлари томонидан корхона ва ташкилотларга электрон ҳисоботларни қабул қилишнинг афзалликлари ва қулайликлари батафсил тушунтириб бориляпти. Мақсадимиз эса, жорий йилнинг учинчи чорагида юридик шахслардан электрон ҳисоботларни қабул қилишни юз фоиз амалга оширишдир.

Умаржон ГУЛМУРОДОВ,
Бекобод шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Томди ёшларининг Нуротага сафари

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Томди тумани кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш ҳамда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган асосий гоани ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича чоратадбирлар режасига асосан, Томди туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 16 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг Навоий вилоятидаги энг қадимий, кўхна зиёратгоҳларидан саналмиш Нурота шаҳрига саёҳати уюштирилди.

— Мустақиллик йилларида ёшларимизга жуда катта имкониятлар яратилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Томди тумани кенгаши раиси Расул Доирабоев. — Бундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар жамиятда ўз ўрнини топаётганлиги айна муддаодир. Бизнинг асосий вазифамиз ана шундай ёшлар сонини кўпайтиришдир. Мен Нурота шаҳрига биринчи бор ташриф буюраяпман. Нуротанинг гўзаллигини, бу ерда яқинда барпо этилиб, унинг кўркига кўрк қўшаётган «Миллий боғ» эса ёшларимизнинг янада бах-

тиёр бўлиб, ўсиб-улғайишларига яратилган имконият, деб ўйлайман. Томди ёшлари Нуротага сафари чоғида бу ернинг тарихий обидалар макони эканлиги, Чашма сувининг шифобахшлиги, унинг таркибида мавжуд бўлган кимёвий элементларнинг касалликларга даво бўлиши, мисол тариқасида таркибида олтин мавжуд бўлиб, унинг ошқозон-ичак касалликларини даволашда ёки оз миқдордаги кумуш элементи сувнинг тез айнимаслиги, бром моддаси асаб тизими касалликларига даво бўлиши тўғрисида бир қатор маълумотларга эга бўлишди.

— Саёҳат давомида тарихий обидалар тўғрисида эшитганларимиз биз учун худди бир эртак каби туюлди, — дейди 5-синф ўқувчиси Отабек Жусбеков. — Мен бу таассуротларимни, албатта, томдилик ўқувчи ёшлар ҳамда ўртоқларимга «Нурота зиёратидеги таассуротларим» номли баён ёзиб, етказаман. Нурота зиёратгоҳига жуда ҳам кўп меҳмонлар ташриф буюрар экан, айниқса, чет элдан келган меҳмонлар эътиборимни ўзига торди ва мактабда ўрганганларимни синаш мақсадида улар билан суҳбатлашдим. Уларнинг барчаси юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, айниқса, ёшларга яратиб берилган кенг имкониятларни эътироф этишмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нурота тумани кенгаши томондан меҳмонлар дам олишини янада қувончли ўтказиш учун Нурота ёшлари билан тенгдош Томди ёшлари футбол мусобақаси ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этилди.

«Turkiston-пресс»

Файзли гўшаларда

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан бир гуруҳ илғор ёшларнинг пойтахтга саёҳати уюштирилди.

Дастлаб Ўрта Чирчиқ, Зангиота, Қибрай туманларидан келган ёшлар Тошкент вилояти ҳокимлигида кутиб олинди. Сўнг улар Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳамда Мотамсаро она ҳайкали пойида бўлиб, улар тарихи билан танишди. Тенгдошларимизнинг «Шаҳидлар хотираси» хиёбонига қилган саёҳати жуда мароқли ўтди.

Ёш саёҳатчилар куннинг иккинчи ярмида Зангиота туманидаги «Зангиота» зиёратгоҳида бўлишди. Бу ерда туман ҳокимлиги томонидан ёшларга байрам дастурхони ёзилди ва улар учун маданий дастур ташкил этилди.

Иштирокчилар саёҳат

давомида Тошкент шаҳрида мустақиллик йилларида бунёд этилган кўркам бинолар, олиб борилаётган ислохотлар билан таништирилди. Мустақилликка эришиш йўлида босиб ўтилган йўллар, олиб борилган амалий ишлар, ота-боболаримизнинг эзгу орзу-истаклари амалга ошган бугунги куннинг қадрига етиш, мустақилликни асраб-авайлаш ҳақида ташунчалар берилди.

— Пойтахтимиздаги чиройли биноларни томоша қилдим. Мустақиллик майдони менга жудаям ёқди, — дейди Зангиота туманидан келган Азиз Пўлатов. — Бу ерда олган таассуротларимни



Jonajon yurtim

ўртоқларимга айтиб, уларга ҳам бу ерга келишларини, гўзал пойтахтимизни томоша қилишларини тавсия қиламан.

Саёҳат сўнгида касабаяушмалари федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши томонидан ҳар бир иштирокчига эсдалик совғалар улашилди.

Кун давомида ташкил

этилган саёҳат ёш авлод қалбига бугунги куннинг қадрига етиш, эртанги кунга ишонч, мустақилликни асраш каби туйғуларни жо этди.

Дилором АБДУҒАФФОРОВА,
«Камолот ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудир

Оромбахш масканлар

Ёзнинг жазирамасида каттаю кичик сўлим, соя-салқин, хушхаво манзилларга интилади. Бундай пайтда сердарахт хиёбонлар жонга ҳузур бағишлайди. Шу боисдан боғ яратган киши борки, доим дуолар қуршовида.



Бугун юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами кўзни қувонтиради. Ана шундай бунёдкорлик натижасида барпо этилган гўзал масканлардан бири — Олмазор туманидаги Себзор даҳасида жойлашган «Себзор» боғидир.

Очиғи, бир ярим йил аввал кичик анҳор ёқасидаги ушбу майдон қаровсизлиги сабабли кўнгилни хира қиларди. Гарчи сердарахт бўлса-да, қуруқ шох-шаббалар мўллиги, чиқин-

дилар ташлаб кетилаверганидан йўловчилар ҳам бу ердан тезроқ ўтиб кетарди. Бугун бу ерда тамомила ўзгача манзара акс этиб турибди.

Манзаранинг буткул ўзгариши учун кўп вақт кетмади. Бугун ушбу майдонни кўрган киши танимаслиги, инсоннинг тадбиркорлиги, меҳнатнинг улуғлигига тан бериши аниқ. Бу ерда иккита футбол майдони барпо этилиб, болалар учун турли аттракцион қурилмалар ўрнатилди,

қаҳвахона очилди. Қоятошга ўхшаш ландшафт дизайни эса «Себзор» боғининг манзарасини янада кўркамлаштирди.

Илгари очик майдонда дарвоза ўрнига тўртта тош кўйиб тўп тепилган бўлса, бугун фарзандларимиз ҳар томонлама мукамал ўйингоҳларда мириқиб ўйнашмоқда. «Себзор» боғидаги футбол майдонларига ҳам сунъий қопламалар тўшалган. Чироқлар билан ёритилган майдондан ярим тунгача футболсевар ёшлар қадами узилмайди.

— Бу ерлар анча вақт қаровсиз қолганди. Юртимизда тадбиркорларга берилган имкониятлар туфайли бу ер сўлим ва гавжум масканга айланди. Фарзандларимиз яйраб ўйнашлари, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Олдин болаларимиз кўпқаватли уйларнинг атрофида ўйнаган бўлсалар, энди бу ерда бўлишлари биз, ота-оналар учун ҳам яхши, — дейди Себзор даҳасида яшовчи Иродахон Мақсудова.

Аҳолига муайян хизмат кўрсатишни ташкил этиш жараёни янги иш ўринлари билан боғлиқ. «Себзор» боғидаги ҳар бир бўлимда: болалар аттракционларида, футбол майдонларида, қаҳвахонада хизмат қилаётганлар ҳам янги иш ўрнига эга бўлган ёшлардир.

Нилуфар ҲАЙИТОВА

Чет тилини билиш — дунёни билиш демакдир

Инглиз тили жаҳон тиллари қаторида, шу боис дунё мамлакатлари билан мулоқот калитига айланиб улгурган. Негаки, бугунги кунда инглиз тили глобаллашувнинг умумий тили, деб тан олинди ва барча интернет сайтлари, электрон қўлланмалар шу тилда оммага тақдим этилмоқда ҳамда жамият бу қўлланмалардан эркин фойдаланиш кўникмасига эга бўлиб бормоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 35 фоиз давлатлар инглиз тилида мулоқот олиб борар экан. Президентимизнинг «Чет

тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган, хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш


тенгдошларимиз орасида янада ошди. Айти пайтда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида чет тилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу қарор на-

Menga so'z bering

фақат таълим тизими, балки дунё ҳамжамиятига мувофиқлашиб бораётган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун катта аҳамиятга эгадир.

Чет тилларни ўрганишни такомиллаштириш, қўллаб-қувватлаш жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига қўшилаётган мамлакатимизнинг келажак буюк ёшлари учун бутун дунё эшикларини очмоқда.

Мадина ҲОДИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси



Ҳар нарсанинг чегараси бор!

Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида ҳайдовчи аёл нақ тўрт миллион АҚШ доллари миқдоридан жаримага тортилди.

Бунга сабаб у тўрт йил ичида йўл ҳаракати қоидаларини 1551 марта бузган. Боз устига полиция рейдига тушиб қолган аёлнинг ҳатто ҳайдовчилик гувоҳномаси муддати ҳам тугаган экан. Шу муносабат билан «Nissan Altima» эгаси вақтинча автомобиль ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Айти пайтда «рекорд»чи аёл жаримани тўлашдан бош тортгани учун унинг ишини суд кўряпти.

Италиядаги фалокат

Италиянинг Венеция шаҳридаги Риальто кўприги остида фалокат содир бўлди.

Кўприк остида «дарё трамвайи» ўз йўналишининг охирида бурилаётиб гондола (қайиқ тури)га урилиб кетди. Тўқнашувда трамвай гондолани иккига бўлиб, нақ уч метрга улоқтириб юборди. Натижада исми ҳозирча номаълум германиялик сайёҳ, Мюнхен университети профессори ҳалок бўлди. Венеция ҳукумати профессор оиласидан расман узр сўраб, таъзия билдирди. Мамлакатда ҳаракатдаги 425 та гондола фаолияти вақтинча тўхтатилиб, бир кунлик мотам эълон қилинди.

Эслатиб ўтамай, бундан бир неча ой олдин Венецияда шунга ўхшаш ҳолат испаниялик сайёҳлар билан юз берган, ўшанда уларнинг тўрт нафари қаттиқ жароҳатланганди.

Ниятлари нима эди?

Канаданинг Брэнфорд шаҳрида жойлашган меҳмонхона устидан полицияга шикоят тушди.

Полиция ходимлари аризада кўрсатилган хонани текширганда, қирқта елим идишда бўлма илон сақланаётгани маълум бўлди. Жониворларнинг кичиги ўттиз сантиметр, каттаси 137 сантиметр эди. Уларни Ҳайвонларга қўпол муомалада бўлишининг олдини олиш ташкилоти вакиллари олиб кетди. Хонани ижарага олганлар ғойиб бўлган ва уларга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Қаҳвани камроқ ичинг!..

Дунё олимларидан тузилган маҳсул комиссия меъёридан ортиқ истеъмол қилинган қаҳва ўлимга олиб боришини исботлади.

Олимлар бунинг учун 20 ёшдан 87 ёшгача бўлган 45 минг киши ўртасида тажриба ўтказди. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, қаҳвани кунига тўрт мартадан кўп истеъмол қилиш инсоннинг ўртача 55 ёш умр кўришига олиб келади. Уни кўп ичадиган инсонда соғлом кишига қараганда ўлим хавфи 56 фоизга кўпаяр экан. Уларда, асосан, юрак-қон томир хасталиклари, қандли диабет кузатилади. Олимлар қаҳванинг фойдали тарафларини билиш билан бирга, зарарини ҳам билиб қўйган яхши, дея ўқтиришмоқда.

Интернет манбалари асосида Жаҳоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади

